



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 13 сентябрь, № 190 (7420)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистоннинг «олтин фонди»

Президент мактабларидаги салоҳиятли ёшлар келажақда буюк ишларга қодир бўлади.



Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янгича ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз.

Ана шундай салоҳиятли ва баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадида республикамизнинг ҳар бир ҳудудида мутлақо замонавий шаклдаги таълим муассасалари – Президент мактабларини ташкил этдик.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Билимсиз яшаб бўладими? Лекин бу қандай яшаш? Одамлар ўзгариб кетяпти... Кейинги пайтда шу мазмундаги сўзлар қулоғимизга тез-тез чалиняпти. Ҳўш, инсонни нима ўзгартиради? Билимми ёки

билимсизлик? Буларнинг психологик асосларини кидириб топиш ва узоқ баён этиш мумкин. Лекин билимли инсон қалбида раҳм-шафқат туйғуси нур сочиб туради. Қолаверса, Ер юзидаги кўпгина

мамлакатлар ер усти ёки ер ости бойликлари ҳисобига эмас, балки замонавий илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш орқали тезкор ривожланмоқда. Қайси соҳа вакили бўлмасин, у чуқур би-

лимга эга бўлмаса, узоқни кўзлаб иш юритолмайди. Демак, энди янги ғоялар, замонавий ақл эгалари билан мамлакат тез тараққий этади.



## Парламент эшитуви: АХБОРОТ ТАРҚАТИШ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР НЕГА БУНЧА КўПАЙМОҚДА?

Ахборот асрининг қулайликлари яққол намойён бўлаётган бугунги кунда унинг ўзига яраша муаммолари ҳам буй кўрсатмоқда. Натижада ёлғонга асосланган, шов-шув кўтарувчи, ўзгалар шаъни ва қадр-қимматини топтайдиган, фуқаролар шахсий ҳаётига дахл қиладиган ахборотлар тарқалиши ҳам одатий ҳолга айланмоқда.

Тобора ўткирлашиб бораётган ана шу муаммодан қилиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2019 йил 17 август куни ўтказилган мажлисида депутатлар томонидан ахборот тарқатиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган парламент эшитувини ўтказиш ҳақидаги масала кўтарилди, қарор қабул қилинган эди. Шу асосда 2019 йил 12 сентябрь куни парламент кўйи палатасидаги ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари депутатларидан иборат Демократик кучлар блоқи ташаббуси билан «Ахборот тарқатиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш» мавзусида парламент эшитуви ўтказилди.

Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жамият ҳаётининг турли жаҳаларини такомиллаштириш учун улкан имкониятлар яратиб бермоқда.

Миллий ахборот соҳасининг либераллаштирилиши аҳолининг медиа саводхонлигини оширишга, давлат ва жамият орасида очик конструктив ахборот алмашинуни фойдалаштиришга хизмат қилиши билан бирга, оммавий ахборот воситалари ёрдамида жамоатчилик назорати тadbirlari самарадорлигини оширишга ҳам имкон яратди.

Дарҳақиқат, депутатлар қайд этганидек, миллий ахборот соҳасининг ривожланиши баробарида демократик ўзгаришлар билан бирга, фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари бузилиши ва яна бир қатор жиддий муаммолар ҳам кўзга ташлана бошлади. Бугунги кунда ташқи ва ички ахборот таҳдидларининг кучайиб бориши давлат ва жамият барқарорлиги учун жиддий хатарга айланиб, барқарор ривожланиш жараёнларига тўсқинлик қилмоқда ҳамда шахс, давлат ва жамоатчилик ахборот хавфсизлигининг бузилишига олиб келмоқда.

Бугунги замоннинг энг долзарб муаммоларидан бири – интернет тармоғи орқали нолегал, ноҳилоли ахборотларнинг оммавий тарқатилишидир.



## ЖАҲОН ҲУНАРМАНДЛАРИ ШАҲРИ

Ана шундай эътирофга сазовор бўлган Кўконда нуфузли фестиваль шукуҳи ҳукмрон.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида Кўкон шаҳрида катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, 12 та тарихий обида таъмиланди. Кўкон миллий хунармандчилиги намоёндаларининг уй-устaxonалари, маданий дам олиш масканлари фестивалъ иштирокчилари ва меҳмонлар учун ҳозирлаб қўйилди. Қолаверса, янги меҳмонхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 100 дан зиёд уй-меҳмонхоналар ташкил этилди. Худодёрхон Ҳўдаси майдонида санъат анжуманининг асосий тadbirlari бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерда сахна ҳамда амфитеатр барпо этилди. Чет эллик хунармандлар, вилоятлар вакиллари

ўз санъат асарларини намойиш этиши учун алоҳида жойлар ажратилди.

Юртимизда илк бор ўтказилаётган ушбу фестивалга 102 мамлакатдан хунармандлар, халқ амалий санъати усталари, фахрий меҳмонлар, мутахассислар, соҳа олимлари, маданият ва санъат соҳаси вакиллари ташриф буюрди. Уларга 201 нафар гид-таржимон ҳамроҳлик қилади. Таржимон сифатида инглиз, рус, араб, корейс, француз, турк, немис, япон, тожик, хитой тиллари бўйича мутахассислар танланган. Бунда вилоятдаги олий ўқув юртлири, мактаб, коллежлар мутахассислари кўнгиллилар сифатида кенг жалб этилган.

Кўкон шаҳар мусиқали драма театрида ўтказиладиган конференцияда 100 дан ортиқ маъ-



## ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ «ИПОТЕКА-БАНК»КА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

Президентимиз ўтган йил декабрь ойида Олий Мажлиси қилган Мурожаатномасида «...банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайитириб борамиз.

Бу эса соҳада рақобат мўҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади», дея таъкидлаган эди.

Ушбу устувор вазифаларни амалиётга изчил татбиқ этиш борасида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан ҳам зарур чора-тadbirlar белгиланиб, қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Натижада Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (ХМК)нинг директорлар кенгаши жорий йилнинг 2 июль куни «Ипотека-банк»ка дастлаб режалаштирилган 20 миллион АҚШ доллари ўрнига 35 миллион АҚШ доллари эквивалентини банк акцияларига айирбошланидиган кредит линияси ажратилишини бир овоздан маъқуллади.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4–5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4–5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда) **60-моддаси матнининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Рухий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **18-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (харакатсизлигининг) ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо шахсдир.  
Ижтимоий хавфли қилмишини содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқара тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (харакатсизлигининг) ахамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.  
Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин»;

2) қуйидаги мазмундаги **18'-модда** билан тўldirilсин:

**«18'-модда. Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахснинг жавобгарлиги**

Жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (харакатсизлигининг) ахамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс жавобгарликка тортилмайди.  
Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан суд томонидан жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин»;

3) **56-модда биринчи қисмининг «ж» бандидаги** «руҳий касаллиги» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **67-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Агар жиноят содир этган шахсда ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг ахамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадида эришишга қўмаклашувчи шароитлар яратиш учун суд томонидан тайинланиши мумкин»;

5) **75-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Хукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг ахамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалинган шахс жазони ўташдан озод қилиниши лозим»;

6) **91-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий ҳолати бузилган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.  
Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алкоғолизмга, гиёвхандликка ёки захарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадида эришишга қўмаклашувчи шароитлар яратиш учун суд томонидан тайинланиши мумкин»;





